

# СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИДА

МОСКВА, 15 декабрь. (ТАСС). СССР Олий Совети иттифоқ советининг кечқуруғи мажлисида план-бюджет комиссиясининг раиси депутат П. А. Розенковнинг қўшимча докладыдан кейин докладлар юзасидан музокаралар бошланди. Депутатлар СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари СССР Госпланининг раиси, депутат Н. К. Байбаков ва СССР Молия министри, депутат В. Ф. Гарбузов докладларини муҳокама қилдилар.

Музокарада Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. В. Шчербинский, меҳнатқиллар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия қўмитетининг раиси В. Ф. Промислов, Қозғоғот Копартиясини Марказий Қўмитетининг секретари А. С. Қолибев, Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев, КПСС Ленинград область қўмитетининг секретари Г. В. Романов ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қўрбобов сўзга чиқдилар.

МОСКВА, 16 декабрь. (ТАСС). Бугун Катта Кремль саройида еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишнини давом эттирди. Эрталаб соат 10 да Иттифоқ Советининг мажлиси бошланди.

Шу ерда ҳозир бўлганлар Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кирилленко, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорный, М. А. Суслон, П. Е. Шелест, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. А. Кунаев, В. В. Шчербинский, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, М. С. Соломенев ўртоқларини самийий кутиб олдилар.

Депутатлар СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси, депутат Н. К. Байбаков ва СССР Молия министри, депутат В. Ф. Гарбузовнинг докладларини муҳокама қилдилар.

Музокараларда Грузия Копартиясини Абхазия область қўмитетининг биринчи секретари В. О. Кобахия, Кузнецк металлургия комбинати марген цехининг бўлат эритувчиси К. Ф. Шабалов, СССР Соғлиқни сақлаш министри Б. В. Петровский, Тожикистон ССР Министрлар Советининг Раиси А. Қўҳоров, Литва ССР Фанлар академиясининг президенти Ю. Ю. Матулис, Молдавия ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. Ф. Антосик, Озарбайжондаги Н. Нариманов номли медицина институтининг доценти З. М. Салаева, Литва ССРдаги «Большевик» бадиҳчилик колхозини балиқ овлаш траулерининг капитани И. А. Лапка, Қирғизистон Копартиясини Марказий Қўмитетининг секретари А. П. Чубаров, СССР Ёнгил ва озиқ-овқат саноати узуғи машинасозлик ва машинарийлар министри В. Н. Доенин, КПСС Волгоград область қўмитетининг биринчи секретари Л. С. Куличенколар сўзга чиқдилар.

МОСКВА, 16 декабрь. (ТАСС). Еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг иккинчи сессияси Катта Кремль саройида ўз ишнини давом эттирмоқда.

Соат 15 да СССР Олий Совети Миллатлар Советининг мажлиси очилди.

Шу ерда ҳозир бўлганлар А. Н. Косигин, А. Я. Пельнев, А. Н. Шелест, П. М. Машперов, В. П. Мжанападзе, Ш. Р. Рашидов, Б. Н. Пономарев ўртоқларини самийий кутиб олдилар.

Раислик қилувчи миллатлар совети раисининг ўринбосари М. А. Абдуллаева қўшимча доклад қилиш учун план-бюджет комиссиясининг раиси депутат М. А. Яснога сўз берди. Депутат М. Я. Ясно план-бюджет комиссияси ва тармоқлар комиссиялари номидан гапирди.

## ЭРКАТОЙЛАР УЧУН

Пойтахтнинг Чимкент, Титов, Шевченко кўчалари ўртасида иккита болалар боғчаси учун бино қурила бошланди. Уларнинг ҳар бири 280 ўринлидир. Биноларни иккинчи ва учинчи Киев қурилиш поездаларининг қурувчилари бунёд этмоқдалар. Украина архитекторлари тузган лойиҳада Ўзбекистоннинг табиий шароитлари ҳисобга олинган. Жумладан, офтобдан сақланиш жойлари, болалар учун чўмилиш ҳовузлири бўлади.

Бу ерда республикада энг катта бўлган мактаб биноси ҳам бунёд этилмоқда. Янги мактабда бир йўла 2600 бола бир сменада билим олади. Мактаб биноси комплекс икки қаватли санкиста блондан иборат бўлиб, бу ерларда синф хоналари, лабораториялар, устахоналар, ўқув кабинетлари, дам олиш заллари жойлашади. Мактаб учун спорт зали, стадион, сузиш ҳавзаси, боғ барпо этилади.



Геннадий Руденко — Октябрь революциясини номли тепловоз вагон ремонтчи заводидagi энг яхши бўлат эритувчи лардан бири. У беш нафардан бригадани беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан олдин бажарди.

Ундаги суратда: бўлат кувони Геннадий Руденко. Николай Дрей ҳам фидоикорона меҳнати билан шухрат қозонган. Октябрьнинг 50 йиллиги шарафига меҳнат ваҳтасида туриб тирасикомон валлар ишлаб чиқаришда топширғинини 130.140 процент бажармоқда.

Пастдаги суратда: Николай ДРЕЙ иш устида. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.



И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

17 ДЕКАБРЬ 1966 й. ШАНБА № 143 БАҲОСИ 2 ТИЯНИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## САВДО ЖИҲОЗЛАРИ

«Ўзбекистон»га қарашли саудо жиҳозлари заводи коллективини буюртмачиларга бир неча минг сумлик янги маҳсулот тайёрлаб келди. Улар шифоқлар, дўзонларнинг қонтакчалари, стандартларидир. Бу маҳсулотлар норхонда янгида фойдаланишга топширилган икки қаватли меҳнаткорларга тайёрланди. Янги корпус ойна ва бетондан қурилган.

У қурилган, норхона яшариб кетди. Унда тайёрлов, янги маҳсулотлар чеклари жойлашган.

Саудо жиҳозлари заводи қувватига-қувват қўшимчида. Яна бир янги механика цехи ишга туширилди арасида. Шундан кейин, ишлаб чиқариш биримчи ортинчи билан бирга маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ҳам мўлжал ўзлаштирилади.

## ЯНГИ ЙИЛ ДАСТУРХОНИГА

«Ташкилот» о в о ш тор»га қарашли 17-«Узгарин» сабзавот тайёрлаш пунктининг ходимлари Тошкент меҳнатқилларини қиш фаслида мут т а с и л сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш учун натта запас тўпладилар. Меҳнатсевар коллективнинг оғирлигини қўлга олиб, 400 тоннадан зиёд картошка, 120 тонна дан ортиқ олма, 250 тонна тузланган бодринг ва помидор, 350 тоннага янги пилез, 8 тоннадан ортиқ сабзи ва 12 тонна турли хил сабзавотларни сифатли ҳолатда Тошкент меҳнатқилларини қиш фаслида мут т а с и л сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш учун натта запас тўпладилар. Меҳнатсевар коллективнинг оғирлигини қўлга олиб, 400 тоннадан зиёд картошка, 120 тонна дан ортиқ олма, 250 тонна тузланган бодринг ва помидор, 350 тоннага янги йил дастурхонига таъминлаш учун натта запас тўпладилар.

## ЯРИМ МИЛЛИОН СУМЛИК ҲИССА

Москвадаги «Фрезер», Ригадаги «ВЭФ» заводлари ва мамлакатнинг бошқа корхоналаридан ўртак олиб, «Ташкент-кабель» заводида яратилган рационализаторлар беш йиллик фондга ярим миллион сум маблағ қўшилди. Бу маблағ шу йилнинг ўзида қарий уч юз рационализаторлик тақдирини жорий этилганлиги натижасида тежаб қолинди.

Корхонанинг ихтирочилари ва рационализаторлари 1970 йилнинг октябрга яна қандай икки миллион сум маблағни шу фондга топширишга қарор қилдилар. (ЎЗТАТ).

## ЖАДАЛ СУРЪАТЛАР БИЛАН

Тошкентда амалда оқибатларини тугатиш масалалари билан шугулланувчи республика ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисида шу йилги уй-жой қурилиш ва қишлоқ бажарилаётгани ҳақида ахборотлар тингланди. «Главташкентстрой»га ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитетига биноларни қуриш суръатини жадаллаштириш тақдир қилинди. Бир қанча министрлик ва идораларга, қурилиш ташкилотларига ёрдам кўрсатишни кўзда тутувчи топшириқлар берилди.

1967 йилда янги микрорайонлар қуриш учун участкалар тайёрлаш январь ойида батамом тугаланади, деб Тошкент шаҳар ижроия қўмитети билдирган ахборот эътиборга олинди.

Ҳукумат комиссияси кўп қаватли уй-жойлар, коммунал корхоналар ва маданият муассасаларини ремонт қилиш, йўлдош шаҳар Сергелидаги уйлارга меҳнатқилларини қўчириб кўчириш, янги тартибда уй қурувчиларга банк қарз бериш, ремонт-тиклаш ишлари учун ажратилган маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш билан боғлиқ бўлган масалаларини ҳам қараб чиқди. (ЎЗТАТ).

## ЎЗБЕК КИТОБЛАРИ КАНАДАДА

Совет ҳокимияти Библияда республикамиз полиграфия корхоналарида чиқарилган китоб ва брошюралар сони 552 миллион нусхадан ошиб кетди.

Наширётлар билан босмахоналар ҳамкорлида ишловчи тўғайли чиқарилаётган китобларнинг сифати ва бадиий беағзи беқиёс даражада яхшиланди.

Ҳозирги пайтда Ўзбек китоблари фақат Иттифонизмадагина эмас, балки жаҳон миқёсида ҳам танилмоқда.

Ўзбек китоблари келгуси йилда Канаданинг Монреаль шаҳрида очилаётган Халқаро китоблар кўргазмасида намойиш қилинади. Булар орасида Габуру Буном номли бадиий адабиёт нашриёти чиқарган буюк шоир Алишер Навоийнинг танланган асарлар тўплами. Бойрининг уч томлик танланган асарлари, Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўқтинчи» романи, «Ўзбекистон» нашриёти чиқарган Е. С. Насриддиновнинг «Ўзбекистон хотин-қизлари», Р. Қўрбобовнинг «Дустлик оиласида», С. Зибдуллаевнинг «Шарнинг индустриал машааги», Р. Раҳимововнинг «Ўзбекистон маданияти ашмамоқда», шунингдек «Еш гаврилли», «Медицина», Бирлашган нашриётлар томонидан нашр қилинган бир қанча китобларнинг дунёнинг ҳамма бурчагидан келган кишилар кўриб, баҳо берадилар.

## «Самарқанд» автостанцияси

«Ташоабаво трест»нинг заказига мувофиқ Янгибўла қурилиш бошқармасига қарашли Т. Куставич бошчилик қилувчи бригадаси Шота Руставели кўчасининг эстагида янги автостанцияни қуриб биттазд.

Станция лойиҳаси «Союздорпротект»нинг Тбилиси филиали лойиҳачилари томонидан тузилган бўлиб, у 1456 квадрат-метр жойни эгаллайди. Станция қурувчилари бу ерда ҳозир сўнгги пардозлаш ишларини олиб бормоқдалар. Бу автостанция янги йил арасида фойдаланишга топширилади. Станция битган унга «Самарқанд» деб ном берилади.

## Бошқарма ЮТУФИ

159-қурилиш трестига қарашли 27-қурилиш бошқармасининг ишчи, инженер-техник ходимлари беш йилликнинг биринчи йилин ишлаб чиқаришда улкан ғалаба билан юнқуладилар. Улар қурилишнинг барча соҳалари бўйича йиллик планни ортиги билан адо этидилар. Бошқарма коллективини бор имкониятларини чамалаб чиқиб, йил охирига яна планга қўшимча равишда тўрт миң квадрат-метр уй-жой қуриб бериш учун сўз бердилар. Бу билан улар қурилиш майдонига 245 миң сум миқдорда қурилиш-монтаж ишларини бажардилар.


## ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛДИ

Фрунзе майдонида яна бир кўркам бино қад кўтарди. Унга Фрунзе район партия қўмитети жойлашди. Бугун ана шу маъмурий бинога пойдевор қўйилди. 3-трестга қарашли 3-қурилиш бошқармасининг ўртқ Ю. А. Глазатов раҳбарлик қилётган 3-участка қурувчилари бу ерда қурилиш ишларини бошлаб буюрди.

Район партия қўмитетининг бу янги биноси уч қаватли бўлиб, кўркам ва зилзилага чидамли қилиб ишланди. Бу ерда қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётганда. Айниқса, Н. Юсупов бошлиқ комплекс қурилиш бригадаси,

Д. Поляков раҳбарлигидаги дуралюрлер, П. Галиуллин, М. Кареев сингари электр лойиҳачилар ишчи мусобақа асосида олиб бормоқдалар.

— Азамат қурувчиларимиз, — дейди участка прораби Глазатов, — янги беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариб, келгуси йил учун планлаштирилган ишларни ҳам бошлаб юбордилар. Биз бу маъмурий бинони 1967 йил 1 майгача қуриб битказиш учун кўршяймиз. Бунинг учун бича имкониятлардан умумли фойдаланмоқдамиз.



## ПОЙТАХТИМИЗ ЮГОСЛАВ ҚЎШИҚЧИСИ ЎЗБЕК САҲНАСИДА

Пойтахтимиз Югославиянинг машҳур кўшиқчиси Радмила Вако чевич меҳмон бўлиб келди. У Софийа, Женева ва Парижда турганда бўлиб ўтган халқаро конкурсларнинг лауреатидир.

Радмила Вако чевич Белград консерваториясининг мунаффақиятли туғатандан кейин маҳоратини профессор Н. Снекич раҳбарлиги, да охирида. Ёш студентнинг еңил овози ва гўзал таланти уни Белград опера театрига етказди. Шундан буён у Париж, Москва, Ленинград, Берлин, София, Варшава, Вена, Коҳира ва Жаҳоннинг бир қанча шаҳарлари саҳналарида ўз маҳоратини мунаффақият билан намойиш этди.

Минглаб томошабинлар, санъатшунослар ва матбуот ходимлари Радмила Вако чевичнинг «Отелло», «Фигаронинг уйлини», «Пиковая дама» ва б. ш. операларда яратган тўлақонли образларига юксак баҳо бердилар.

У Совет Иттифонига учинчи марта келиши. Тошкентда биринчи марта санъатини намойиш қилган бу кўшиқчи Алишер Навоий номидаги Академик катта театр саҳнасида Гунонинг «Фауст» операсида Маргарита ролини ижро этди. Томошабинлар унинг ижросида Чайковскининг «Евгений Онегин» операсидаги Татьяна образини ҳам кўрдилар.

## ЕР ҚИМИРЛАШ ТУГАБ БОРМОҚДА

ТОШКЕНТ, 16 декабрь. (ТАСС мухбири А. Ершов). «Тошкент сейсмик станцияси» шаҳарда ер қимирлаш бошланганидан бери 700 мартадан кўпроқ зилзила бўлганлигини қайд қилди. Бирок, икки ойдан бери шаҳарда бир марта ҳам каттиқ зилзила бўлмади.

Ўзбекистон Фанлар академияси сейсмология институтининг директори Ф. Маслонов Тошкент зилзили, даси қандай ривожланганини шарҳлаб, бундай деди: Ер қимирлаш янги йилгача давом этмавди, д. Эҳтимол, бундан кейин ҳам бир оз вақт ер қимирлаб туриши мумкин. Бирок, 7,8 балл нугча эга зилзила бўлиши кутилмайди. Аммо, 5-6 балли ер қимирлашдан бўлиши эҳтимол. Умуман, бундан кейинги ер қимирлашларнинг кучи

ичи икки-уч, тўрт баллдан ошмайди».

Оқимлар зилзила жарабинини анализ қилиб, шундай хулосага келишди.

Ўзбекистон пойтахтидаги ер қимирлашларини ўрганиш учун жуда кўп мақсуд асбоблар урнатилди ва кўпгина жойларда ерлар қазиб текширилмоқда.

Анн текшириш ишлари Тошкентнинг айрим районлари аста-секин кўтарилаётганлигини кўрсатди. Масалан, «Тошкент сейсмик станцияси» жойлашган район уч ой мобайнида 50 миллиметр уңдарилигини аниқлади.

Оқимлар сейсмики кузатишларнинг натижаларини электр ҳисоблаш машиналари ёрдамида ишлаб чиқиб, Тошкент ернинг остида жойлашган зилзила манбаларининг схемасини туздилар.



## Қимматчилик авж олмақда

ГАВАНА, (ТАСС). Аргентинада кейинги 11 ой ичида кун кечириб ўрта ҳисобда 17 процент қимматлашди. Аргентина Бош статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, шу давр ичида четрива ҳақи 123 процент ошган. Пренса Латина агентлиги икки мухбири шу тўғрида Буэнос-Айресдан хабар қилди.

## Нефть қувурлари ёпиб қўйилди

ПАРИЖ, Франс Пресс агентлигининг хабарига айтилишича, «Ирак петролеум компания»га қарашли иккита нефть қувурининг охириг нугтаси бўлган Тароблиста Ироқ нефтининг шу қувурлар орқали келиши тўхтаб қолди.

Буна Сурия республикаси территориясида нефть ўтказиб берадиган насос станцияларининг иши тўхтаб қўйилганлиги сабаб бўлган. Ҳузул, ҳозирги вақтда «Ирак петролеум компания» қазиб чиқараётган нефтини ўрта денгиз портларига қувурлар орқали юбориш тўхтаб қолди.

## СУВ ТОШҚИНИ

КАРАКАС, Венесуэлада давом этаётган сув тошқини катта вайронлик келтирмоқда ва одамларнинг ёстигини қуритмоқда. Тўхтовсиз ёғиб турган сел сабабли дарёларнинг суви тошиб, кўпгина шаҳар ва қишлоқлар суви остида қолди. Сукре штатининг маъмурий маркази бўлган Куман шаҳрининг ўзидagina 12 миң киши бошпанасиз қолди. 200 киши жароҳатланди, кўп киши ҳалок бўлди ёки бедарак йўқолди.

## АНГОЛА ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

БРАЗЗАВИЛЬ. Анголани овоз қилиш халқ ҳаракати партиявлари 8 декабрда Санга-Монго (Кабвида) районидан Тимбукте харбий базасидан келатган португал автоколониасига ҳужум қилдилар. Душман аскарларини талафот етказди. Ҳўдор ва озиқ-овқат ортқилар харбий юк автомобилли ҳам йсон қилди. Партизанлар талафот бергани йўқ. Бу тўғрида Анголани овоз қилиш халқ ҳаракати қоргоҳининг Браззавида эълон қилинган ахборотида хабар қилинди.

## ШУ КУННИНГ ШИОРИ — ҲУШЁРЛИК

БРАЗЗАВИЛЬ. Миллий революцион ҳаракат партияси сиёсий бюросининг аъзоси Морис Онвами солтиний сақлаш системаси ходимларини миллий касабаси союзининг таъсис съезидида сўзга чиқиб, биз Конгода (Браззавиль) В. И. Ленин таълимоти билан руҳланиб, янги жамият қурмоқдамиз, объектив қонун асосида Конгода капиталистик-тузум ўрини социализм эгаллайди, деди.

Империялизм, деди Онвами, Миллий революцион ҳаракат активларининг орасини бузишга интилмоқда. Революция душманлари ўзига ров солмоқ учун кучли ҳушёрлик биз учун бугунги куннинг шиори бўлиб қолди. Биз сафларимизни жипслаштиришимиз ва империялизмга қарши кураш бирлик фронтини ташкил этишимиз лозим. Шундагина Конго революцияси ривожланидиган бўлиб қолади, деди Онвами.

Морис Онвами Америка империялигининг вьетнам халқига қарши қилаётган агрессиясини қатъий қоралади.



ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ Пльзен шаҳри яқинидаги «Тесла» корхонасида автомат телефон станциялари ласломоқда. Бу автомат телефон станциялари Совет Иттифонига юборилади. Улар Москва ва Ленинград шаҳарларида урнатилди. Суратда: СССРга юборилиши лозим бўлган телефон ускуналари текшириб кўрилмақда. ЧТК—ТАСС фотоси.





# „ОЛТИН КУЗ“ ЭСТАФЕТАСИ

Ўзбекистон физкультура институтини раҳбарлари 15 га яқин студентни 1961 йили Москвадаги Ленин номи физкультура институтига ўқига йўллади. Ватанимиз пойтахти — Москвага қараб йўл олган ёшлар орасида Рафиқ Отбаевнинг Турсунов ҳам бор эди.

У Москвада яқин ўқиб билан бирга, спорт сирларини тинмай ўрганди, моҳир спортчи бўлиб чиқди.

Институтни битирган Рафиқ Отбаевнинг келиши билан мактабда физкультура ва спорт ишлари жонланган кетди. Тез орада спортнинг волейбол, футбол, баскетбол, теннис, шашмак-шашка турлари бўйича секциялар ташкил этилди. Бу секцияларга 400 га яқин ўқувчи жалб қилинди.

Яқинда биз шу мактабда «Олтин куз» программаси бўйича ўтказилган кросс ва оммавий эстафета югуришлари гувоҳи бўлдик. Кросс ва эстафета югуришлари оммавий тус олган бўлиб, бу мусобақалардан ҳар қим четда қолмади. Бош судьялигини мактаб директори — Ф. Одилов бажараётган бўлса, унинг ёрдамчилари — ўқитувчилар коллективи эди.

Мусобақани 5—6 синф ўқувчилари бошлади. Қизларнинг 150 метрга, югуришида 6 «А» синф ўқувчилари Ш. Алимова, ўғил болаларнинг 300 метрга югуришида ҳам шу синф ўқувчиси У. Каримов голиб чиқди.

7—8 синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган кроссда, 300 метрга югуришида Х. Пулатова, 500 метрга М. Улмасовлар (8 «А» синф ўқувчилари) биринчи ўринни эгалладилар.

Айниқса 9—10 синф кизлари ўртасидаги 500 метрга, ўғил болалар ўртасидаги 800 метрга югуриш-кросс мусобақалари кескин курашлар билан жуда қизиқarli ўтди.

Бу мусобақа югуришида Б. Хужаева ва Э. Махмудов голиб чиқдилар.



Оммавий ўтказилган кросс ва эстафета югуришларида 41 ўқувчи 2-ўсмирлар разряди, 10 га яқин ўқувчи 1-ўсмирлар разряди нормасини бажарган бўлса, 7 ўқувчи 3-ўшлар разряди нормаларини бажарди.

Шу кунги стол тенниси бўйича мактаб биринчилигининг финалислари ўз маҳоратларини кўрсатдилар. Ҳозирги кунда мактаб спортчилари «Сихат — саломатлик кунини» ўтказишга катта тайёргарлик кўрмоқдалар.

## КОРТ РАКЕТАЧИЛАРИ

Уч дўст — А. Каплан, В. Безверхов, Н. Шутовларни ҳар кун кенга яқин «Пахтакор» теннис кортларида учратиш мумкин. Улар ҳар кун бирга дам оlishди, тренировка машғулотларини бирга ўтказишади.

Каплан, Безверхов, Шутов теннис спортчилари орасида таниманг киши йўқ. Улар

шаҳар ва республикада бир неча йиллардан бери мукофотли ўринларни қўлдан бой бермай келмоқдалар.

Бу йилги теннис бўйича республика биринчилиги мусобақаси ўнлаб талантли ёш теннисчи — спортчиларни спорт майдонига чиқарган бўлса ҳам, улар биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгалладилар.

Каплан республиканинг бу йилги биринчи «ракетаси» бўлса, Безверхов иккинчи, Шутов эса учинчи «ракетаси»дир.

Ҳар кундагидек бугун ҳам олий спорт мактабидан тренировка машғулотлари борарди. Спортчилар буюмсиз умумий машғулот

лар, Таълим-тренировка ўринлари бошланди. Биз Каплан ва Шутовлар учрашувини томошасига қатнашувчи ўзбекистон терма командасига кандидатлардир.

«Спартак» кўнгли спорт жамиятининг йилда ўтказилган Бутунитифоқ теннис мусобақаларида спорт мастери Шутов янги

қўмофотли ўринларни қўлга киритди, яна учрашувларда иккинчи, муфт бўлиб аралаш (эркак ва аёл жуфти) мусобақаларда 3-ўринни қўлга киритди.

Моҳир спортчилар ва уларнинг шогирдлари СССР халқлари IV спартакиадасига қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар.

## АЖОЙИБ ВОҚЕАЛАР

**ЕР ОСТИДА ЯРИМ ЙИЛ**

Франциялик ёш спелеолог Жан-Пьер Мерете ер остида олти ой яшайди. У шу йилнинг 1 июнида 70 метр чуқурликдаги Авен-Оливье горига тушиб, яқинда ер юзига чиқди.

Мерете олиб борган экспедициянинг маъсуд, бундан олдинги шундай илмий тажрибалар сингари, кинш организмда бўлганда биологик ўзгариш ва унинг уйқусини энцефалограф ёрдамида ўрганиш эди.

Унда электр чирроғи ҳам бўлиб, тағига тахта под ишланган. Шунингдек, Меретенинг махсус комбинезони ҳам бўлиб, у доимо 6 даражада иссиқликни таъминлаб туради. Мерете олиб борган тадқиқотларини бундан мутлоқ қилди, расмчида ва пластинкада қилиб кўй тинглади.

Мерете гордан ер юзасига бир соатдан ошмироқ вақт давомида кўтарилиди.

**ЧОЛ СОКОЛИ — АСАЛАРИ УЯСИ**

Покитсоннинг Дакка шаҳрида чиқади «Озод» газетаси қизик бир хабар босиб чиқарди. Кекеа деҳқон Раипур шаҳридан таҳминан икки миля наридаги Ниндасанги қишлоғида ўз уйида тик ухлаётганда, Кутилмаганда қизик воқеа рўй берди. Асалари олдансиз учиб келиб, ухлаётган чолнинг соқолига кўнди. Меҳнатқил асаларилар тезда чол соқолида уя кура бошлади.

**80 МИНУТДАН КЕЙИН ТИРИЛТИРИЛДИ**

Англияда чиқадиган «Лансет» журналы хабар беришича, Дандиди бир гуруҳа врачлар ўлган эркак кишини 80 минут ўтгандан кейин жонлаштиришга муваффақ бўлганлар. 39 ёшли бемор кўкрак қафаси оғриги билан касалхонага келирилган эди. Орадан бир неча минут ўтиши билан унинг юраги уришдан тўхтади. Врачлар ҳолат юрак қисми атрофини массажа қилишни буюрди. Кейин оғзидан ўпкасига кислород юборилди. Харажат натижасиз бўлиб чиқди. Врачлар юрак уришини тартибга солишдан аппаратни охиригича сифатда ишга солишди. Бемор юраги бирданга қисқарди, кейин эса сезкин-аста нормал ура бошлади.

ГАЗАЛЛАР	ЧУСТИЯ.
Тогларнинг оламидо, республикам, Вогу-роғинг хуш ҳаво, республикам.	Чилчирог ёқди фалак, бонди мигорим бир кўлиб, Холин ақси ойни тўсди-ю, мунажжим билмади.
Турля даргада суваринг дарёи эрур, Вир отимг дорил шифо, республикам.	Қош ўқиб юк лавҳада яқин муҳаббат сатрини, Минг йил абад ўрғатиб бу сирни олим билмади.
Сендиги бойлигини ўлчаб бўлмаган, Бебахосая, бебаҳо республикам.	Ишқи оташ ўт билан уйнашмоқ осонмас дедим, Куйди отбоғ уйнашиб ишк йла, пандим билмади.
Қаҳрамон, чин сўзларин фарзандларинг, Қилдинг аҳдинга вафо, республикам.	Ишқиди бу шавқатини у замон Исқандари Гарчи бу дунё юзига бўлди хоним билмади.
Шарҳида нур сочган Ильчи нури юзюнг, Ўргулдай, жоним фидо, республикам.	Чертиб ўтдим субҳидам оҳиста дилбар эшигин, Юрагининг тоғи насими билди, балким билмади.
Хар бини борим улуғ тўйхонадек, Мавж урар эл доимо, республикам.	Чустий севгам кўчада боқмай ўтарди орнага билмади.
Қўлда тинчлик сози, Чустий, куйладим, Сен, билан маърифат расо, республикам.	Соядек босган нандан бўса олдим, билмади.
<b>БИЛМАДИ</b>	
Лайли, Мажнун холини ул кун муаллим билмади.	
Чулки зор қадринг заргар билди, ҳар ким билмади.	

## ХАЛОАЛИК МЕНИНГ ДУГОНАМ

Менинг бир дугонам бор. Меҳнатсевар, тўғри сўз, ҳақиқатсўй. У яқинда бизникига меҳмонга келди. Бир оз сўзлашганим ўтиргач, гап бошлади:

— Эрталаб ювган кирларини ташқарига ёйиб, ўз хонамга қайта-

ётган эдим, кўзим бир туғунчага тушди. Олди-да, уйга кирдим. Очиб қарасам, пул! Юрагим шув этиб кетди. Киминки бўлди экан-а! Кўнглимдан ўтказдим. Санаб кўрдим: тўққизта 25 сўмлик, ўттизта 10 сўмлик.

Қандай қилиб эгасини топдим?

— Сабр қил, яна бирортаси «менинг» деб олдим кетмасин,— дедим мен,— бирор ердан хабарин чиқиб қолар.

Дугонам шу кунги

бизникида дам олгач, кечқурун уйига қайтди. Эртасига эрта билан ишонимизда учрашди. У бўлган воқеани менга аста сўзлаб берди.

— Богдан Войтко

## АНТИК РИМ ТАКСИСИ

РИМ. Атрофимизни ўраб олган буюмлар орасида шундайлар ҳам борки, биз уларни фан ва техниканинг сўнгги ютуғи деб ҳисоблашга одатланганим. Ҳолбуки бундай буюмлардан кўплари узок ўтмишдаги ота-боболаримиз ижодиётининг мевасидир.

Яқинда Италия тарихчилари «Архитектура бўйича трактат» деган асарни топдилар. Бу асар австрия мушоҳир Витрувийнинг эшишича Ромул ва Ремнинг ота-боболариёқ «жамоат транспорт» — ибтидоий арвалардан фойдаланибгина қолмай, балки антик «солнитта извошларга» — телеметр бўйича пул ҳам тўлаётганлар.

**ЭЛЕКТР АВТОМОБИЛЛАР**

ЛОНДОН. Америкадаги Форд автомобиль компанияси янги қил олдинда электробатареялар ёрдамида ишлайдиган автомобилларни сингага киришди.

Баъзи мамлакатлар ҳам электр автомобилларнинг таъриби рускалари яратилганини эълон қилдилар. Шведиядаги фирмаларнинг бири эса электр автобус ва электр юк ташим машиналари яратиб устидо ишляпти.

Бирок, Форд илмий текшириш лабораторияларида содия, сульфид ва алюминдан батарея-

лар тайёрлангани ҳақидаги хабар қатъа шов-шувга сабаб бўлди. Гап шундаки, ҳозир амалда қўлланилмаган жуда кам қувватли батареялар туфайли бундай машиналарнинг ҳаракат доириси чекланб келарди.

Мисол учун Англия автомобилсозларининг моделлари ҳаммаси бўлиб 40 миля йўл юришга мўлжалланган. Агар шу автомобилга сульфид батарея ўрнатилса, машина 500 милягача йўл боса оладиган бўлади.

Агар ишлаб чиқарилаётган электр автомобилларнинг ҳозирги машиналарни базорлардан суриб чиқарадиган бўлса, бу нарса ёлғиз нефть монополияларигагина эмас, балки электр саноатига ҳам таъсир этади.

Масалан, Қўшма Штатларда автомобиллар шу микдорда бензин ёқадиларки, унинг энергияси мамлакатда йил бўйи

ишлаб чиқарилаётган электр қуввати тенгдир.

Англияда ҳам тахминан ана шундай. Шу сабабли рақобат қилувчи санатчилар бу таърибларнинг ошқор хавотир билди кузатмоқдалар ва электр автомобиллар соҳасида пайдо бўладиган пайтгача электр қуввати ишлаб чиқаришни ошириш устида ўйлашлар.

Электр автомобиллар нисбатан анча жўрқордир. Мотори, трансмиссияси, телеклар қутиси, радиатори ва совутиш системаси олинб музейларга топшириладиган бу машиналар анча енгилроқ бўлади.

«Бухенавалд» маккорин хали турмадегидадек ҳарбий жиноятчи Поляшда қатл этилган эри учун ўзига нафақа берилишини талаб қилиб ҳукуматга мурожаат қилди. Баъзи яқиндаги маъмурий органлари Фрау Кохнинг уясида даъволарини рад қилиш ўрнига: «Кох хонимнинг эри ўз маъкифе кўра социал таъминланши, ўлганда кейин эса оиласини нафақа билан таъминлаш ҳуқуқига эга бўлган мансбодор эди» деган ҳулосани аъзи берди.

Жаллодин нафақа билан таъминлаш! Лекин Германияда бунинг таъқибуланидиган жой йўқ. Ахир ҳарбий жиноятчи — СС раҳбарлари Гимлер ва Гейдрихнинг тул қолган хотинлари нафақа олишга ҳақлики «Иқтисодий мўъжизалар ҳам бўлиб туради!»

«Вухенвальд» маккоринга нафақа

БОНН. Германияда чиқадиган «Билд-цайтунг» газетаси эҳти-

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ** 46т

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 22-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутор В3-02-49 дан В3-02-58 гача. Қўшимча телефонлар: секретариат ва иллюстрация бўлими — 5-62; партия, совет ва насаба союз ташкилотлари бўлими — 3-66; санъат ва маданият бўлими — 7-83; фан, олий ўқув юртли ва мантабалар бўлими — 7-83; физкультура ва спорт бўлими — 3-79; Ахборот бўлими — 3-78; (шаҳар телефони В3-65-57); хатла; ва оммавий ишлар бўлими — 3-79; зълоилар бўлими — 5-07 (шаҳар телефони — В38142).



Москвада болаларнинг янги йил байрами учун кенг асортиментда арча безаклари сотила бошлади.

СУРАТДА: «Болалар дунёси» универсал магазиннинг арча ўйинчоқлари ёнида.

А. Конок ва Б. Трелетов фотоси. (ТАСС).

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### Радио

17 ДЕКАБРДА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

18.10 В. Лешов ва А. Аверини қўшиқлари. 18.30 «Фонетиками хазинаси». 19.20 Озарбайжон артистлари куйлайди. 20.00 «Октябрь радиостанциясининг программаси (Ўзбекча)». 20.30 Ўзбек классик куйларини сеувчилар учун концерт. 21.20 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт. 22.10 Рақса марҳамат. 23.10 Дам олиш концерти.

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА**

19.00 Совет эстрадаси артистларининг концерти. 19.30 Жаҳон прогрессив адабиёти. Италия ёзувчиси Альберто Моравио. «Жон-танам танца» деган ҳикояси (Ўзбекча). 20.10 Рус куйлари.

18 ДЕКАБРДА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

7.45 Ота-оналар. Сизлар учун» циклидан (Ўзбекча). 8.25 «Сиз ёнгирган артистлар концерти». 9.30 — Чолгу куйлари. Араб қўшиқлари. 11.10 Эфрон янгликлар. 11.20 Радио эшитувчиларнинг талабаларига мувофиқ концерт. 12.15 «Эталабига салом» (Москва). 13.00 Чорвадорлар учун концерт. 13.30 Рақс куйлари. 15.20 Абдулла Қаҳҳорнинг «СИНЧА-ЛАК» повести асосида радионисценировка. Талабларга мувофиқ (Ўзбекча). 18.00 «Ешлик» радиостанциясининг Совет Армияси жангчиларига бағишланган махсус программаси (Ўзбекча). 18.40 К. Нормузаевнинг «Сахий қалъ» деган оперни (қозоқча). 19.20 Муқимий номи театр артистларининг концерти. 20.00 М. Хайруллаевнинг «Танбур навоиси» ҳикояси асосида мюзикали радионисценировка. 21.20 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт. 22.00 «Дунё халқаси олдига» (Ўзбекча). 22.10 Эстрада концерти. 23.10 Лирика кечаси.

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА**

8.25 Енгил оркестр куйлари. 19.00 Д. Модуно куйлайди. 19.30 Има Сумак концерти. 20.00 «Юноста» радиостанциясининг программаси (Москва). 21.00 Тошкент ва Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. 21.30 Совет Иттифоқи санъат усталарининг концерти.

**УЧИНЧИ ПРОГРАММА**

14.00 Римский-Норсак. «Рождество ўтар кечаси» операси.

**Телевидение**

17 ДЕКАБРДА

Ўзбек тилида:

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

18.45 «ЕШЛИК» студиясини кўрсатади «ОТАЛАР СЎЗИ» — АҚЛИНИНГ ҚЎЗИ». 19.35 Рус тилида телевизион янгликлар. 19.50 Эшиттиришлар программаси

**МОСКВА КЎРСАТАДИ**

20.00 «Знание». 20.30 Телевизион янгликлар. 20.45 Эстрада концерти. (Минскдан олиб кўрсатилади). 21.30 Киносаҳатчилар клуби. 22.30 «Огонёк». 23.45 Телевизион янгликлар. 00.15 Москва эшиттиришларининг охири.

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА**

Рус тилида:

18.00 «Валдан сўнг». Телефильм. 18.35 Тошкент янгликлар. 18.45 Голубой огонёк.

Ўзбек тилида:

19.45 «Қайта ишарган ўрмон». Хужжатли фильм. 20.05 Ўзбекистон радио ва телевидениесини хориқнинг концерти. 20.35 Тошкент янгликлар. 20.45 «ФАВКУЛДАДА ТОПШИРИК». Вадийн фильм.

18 ДЕКАБРДА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

Рус тилида:

10.30 Физкультура билан шуғулланиш. 10.55 Болалар учун «Мушук уйи». Мультифильм. 11.15 «Колоколчик» пионерлар клуби. 11.55 К. Чуковский «Рус тили маданияти ҳақида» (иккинчи эшиттириш). 12.20 «Бир музика қандай қилиб икки генерални боққан ҳақида» Кинофильм. 12.50 Верховнаннинг қўшиқ ва рақслари.

Ўзбек тилида:

13.50 Ўқувчилар учун «Қувноқ минутлар». 14.20 «ЖУРА». Вадийн фильм. 17.00 «Сенинг кунинг». Болалар учун кинофильм. 17.25 Телевизион янгликлар. 17.40 Пионер прожектори

Рус тилида:

18.00 Телевизион янгликлар. 18.15 «Яшарин Фронт». Телефильмининг бешинчи серияси. 18.45 Лондондаги концерт. 19.25 Эшиттиришлар программаси.

**БИОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ КИНОТЕАТРИ**

бош бухгалтер, бухгалтерлар, хисобчи, касир, секретарь-машинистка

**КЕРАК**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Заводская кўчаси, 35-уй, телефон 5-12-27, 5-08-84 (7-9, 11-трамвай), 3. 18, 23, 54 автобуснинг «Богдан Хмельницкий» остановкиси, 6, 51-автобуснинг «Кинопроект» остановкиси

«УЗЛЕСТРОЙТОРГА»

товароведлар, экономистлар, бош ва старший бухгалтерлар, ревизор-бухгалтерлар, экспедиторлар ва сотувчилар

**КЕРАК**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 1 Май кўчаси, 59-уй.